

I. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16752 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 64,3 фоизи (2017 йил январь-декабрда 65,1 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3034,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 21,4 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 106,6 фоизни ташкил қилди;

- 18144,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 96,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди.

- 1725,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 11,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 105,2 фоизни ташкил қилди;


- 2860,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,7 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 105,2 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,9 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 83,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 102,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 95,3 улуши) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,3 фоизи ёки 7550,4 млрд. сўми (ўсиш 103,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 70,2 фоизи ёки 4897,9 млрд. сўмни ташкил қилди;

- 98,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 37,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.


Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январ-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фукаролар мулки) улуши қуйидагича

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18144,9	99,0
Саноат	3034,9	86,0
Қурилиш	2860,2	82,7
Чакана савдо	7550,4	81,8
Юк ташиш, млн тн.	34,5	54,7
Йўловчи ташиш, млн. киши	243,2	90,7
Экспорт, млн. АҚШ долл.	38,8	0,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	115,4	0,9

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:



(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

ЯҲМ

Саноат

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалики

Асосий капиталга киритилган инвестициялар

Қурилиш

Савдо

■ 2017 йил январь-декабрь

■ 2018 йил январь-декабрь